

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**723** Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида**[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишини изчил такомиллаштиришни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, илғор инновацион ва илм-фан ютуқларига асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган ишларга янги суръат берди. Бу муҳим мақсадлар юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг энг яхши ютуқларини давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқларида татбиқ этиш асосида жиддий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларни магистратура ва PhD дастурлари, малака ошириш ва стажировка ўташ орқали тайёрлаш, етакчи чет эл таълим муассасаларида таълим олиш учун талабгорларни танлов асосида саралаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармасининг номи «Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармаси» деб ўзгартирилсин (кейинги ўринларда — Жамғарма).

2. Қуйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсадли йўналишлари этиб белгилансин:

илғор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янгилаш, янги касбга, таълимга ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахас-

сислари, таълим муассасаларининг юксак интеллектуал-иждодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш;

иктисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг хозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини, шунингдек республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;

иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илғор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар (кейинги ўринларда — стипендиатлар) ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва оммалаштиришни таъминлаш;

келажакда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, сифатли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича илмий-таълим жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илғор технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида энг юқори даражада самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида стипендиатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларининг

хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгаллаган замонавий илгор билим ва кўникмаларини уларнинг келгусидаги меҳнат, педагогик ва илмий фаолиятини тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув жараёнларига изчил жалб этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармасининг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармасининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш учун номзодларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

2017/2018 ўқув йилида чет элнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида педагог ва илмий кадрларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқитишнинг мақсадли дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Жамғарма Васийлик кенгашига тасдиқланган ходимлар сони доирасида Жамғарманинг ташкилий тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар жамғарма фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

стипендиатларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака оширишлари, стажировка ўташлари ва таълим олишларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар — Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жихозлашга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ресурсларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблағлари ҳисобидан, шартнома асосида хўжалик фаолияти юритиш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ёрдамлари, халқаро молия институти ва хорижий ташкилотларининг грантлари;

ходимлар иш ҳақи учун тўловларни ўз ичига олган Жамғарманинг жорий фаолияти ва унга юклатилган бошқа вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатлар — Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-кон-

тракт) маблағларидан ажратмалар, шунингдек, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан келган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз ёрдамлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғарма 2022 йил 1 январгача давлат мақсадли жамғармаларига солиқ тўловлари ва мажбурий йиғимлардан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жамғармага хорижий таълим ва илмий муассасалар билан алоқаларни йўлга қўйиш, стипендиатларга хорижий мамлакатларнинг визаларини олиш, консуллик рўйхатига киритиш, нотариал ва бошқа хизматларни кўрсатиш, уларнинг юборилган мамлакатда малака оширишлари ва стажировка ўташлари бўйича таълим мониторингини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси:

чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишга юбориладиган номзодларни танлаб олишни ташкил қилишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатилишини;

Жамғарма томонидан чет элда таълим олган шахсларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари нострификациясини (эквивалентлигини қайд этиш) тўғридан-тўғри (махсус синовлар ўтказмасдан) амалга оширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамғармани замонавий алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси ва кенг поласали интернет тармоғига улашини таъминласин.

10. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Жамғарма томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда чегирмаларнинг мос тизимини қўллаган ҳолда чет элларга юборилаётган стипендиатларни авиачипталар билан ўз вақтида таъминласин.

11. Жамғарма Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уйда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги «Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3272-сонли Фармонининг 2, 3, 4, 9-бандлари ва 5-бандининг 2-хатбошиси ҳамда 1 — 4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг Давлат маслаҳатчилари У.С. Исмаилов ва А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 июль,
ПФ-5121-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 27 июлдаги
ПФ-5121-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда
стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва
таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод»
жамғармасининг Васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

1. Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, *Жамғарма Васийлик кенгаши раиси*
2. Кучкаров Дж.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, *Жамғарма Васийлик кенгаши раисининг ўринбосари*
3. *Лавозими бўйича* — Жамғарма ижрочи директори, *Жамғарма Васийлик кенгаши раисининг ўринбосари*
4. Юнусходжаев А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
5. Исмаилов У.С. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
6. Муродов О.Б. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
7. Голишев В.А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
8. Султонов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
9. Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси
10. Раматов А.Ж. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси
11. Мирзаев З.Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

12. Розукулов У.У. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси
13. Джурабаев А.А. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
14. Маджидов И.У. — олий ва ўрта махсус таълими вазири
15. Ходжаев Б.А. — молия вазири
16. Абдухакимов А.А. — бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
17. Иноятов У.И. — халқ таълими вазири
18. Шадманов А.К. — соғлиқни сақлаш вазири
19. Камиллов А.Х. — ташқи ишлар вазири
20. Ғаниев Э.М. — ташқи савдо вазири
21. Икрамов М.М. — адлия вазири
22. Абдуллаев И.Б. — Бош прокурор
23. Шерматов Ш.Х. — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири в. б.
24. Юлдашев Б.С. — Фанлар академияси президенти
25. Болтабаев М.Р. — Фан ва технологиялар агентлигининг бош директори
26. Холмухамедов М.М. — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори
27. Нурмуратов М.Б. — Марказий банк раиси
28. Холмуродов С.Р. — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси
29. Гулямов Р.А. — Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
30. Ахмедходжаев А.И. — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси
31. Парпиев Б.Р. — Давлат солиқ қўмитаси раиси
32. Тохирий М.В. — Давлат божхона қўмитаси раиси
33. Шарапов А.К. — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
34. Абдувалиев А.А. — Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси
35. Мустафаев У.М. — «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси
36. Абдуллаев А.А. — «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси
37. Хайдаров И.У. — «Ўзбекенгилсаноат» АЖ бошқаруви раиси
38. Тян В.Н. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директори
39. Султанов А.С. — «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси
40. Санақулов К.С. — «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК бош директори
41. Фармонов А.К. — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори
42. *Лавозими бўйича* — Жамғарма ижрочи директор ўринбосари, Васийлик Кенгаши котиби.

Изоҳ: Жамғарма Васийлик кенгашининг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёхуд вазифаси юклатилган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 27 июлдаги
ПФ-5121-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда
стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва
таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод»
жамғармаси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатлар малакасини ошириш, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкиллаштириш «Истеъдод» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)нинг мақсадлари, асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларини, шунингдек, Жамғармани бошқариш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма таълим, давлат ва жамоат тузилмалари тизими, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш даражаси ва сифатини юксалтириш учун зарур шароитларни яратиш, шунингдек, хориж тажрибаси, энг янги технологиялар ва фан ютуқларини ўрганиш асосида педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантириш мақсадида шакллантирилади.

3. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

4. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Фазначиликда шахсий ҳисобларига, республика тижорат банкларида ҳисоб рақамларига (шунингдек, чет эл валютасидаги ҳисоб рақамига), давлат тилида номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган муҳрига, бурчакли тамғасига ва бошқа рамзларга, шунингдек, фаолият учун зарур реквизитларга эга бўлади.

5. Жамғарма почта манзили (жойлашиши): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уй.

**2-боб. Жамғарманинг мақсадлари, асосий вазифалари ва
фаолият йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6. Жамғарма фаолиятининг мақсади юқори малакали, халқаро меҳнат

бозорида рақобатбардош етук мутахассисларни жаҳоннинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва PhD дастурлари асосида тайёрлаш орқали республика иқтисодиётининг устувор соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат ва жамоат тузилмалари ходимларининг, педагог ва илмий кадрларнинг билим ва малакаларини ошириш даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳамкорлик асосида ривожланган мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишларига кўмаклашишдан иборат.

7. Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётнинг турли тармоқларида, давлат ва жамоат тузилмаларида фаолият юритаётган истиқболли мутахассисларнинг ҳамда таълим муассасаларининг юксак интеллектуал-ижодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларнинг янги касбий, таълимий ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштиришларига, касбий билим, кўникма ва малакаларини замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янгилаш, юқори технологиялар, инновациялар ва илғор илмий тадқиқотлар ютуқлари билан танишишларига шароит яратиш мақсадида ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчилари орасидан, шунингдек, республиканинг иқтисодиёт тармоқларидан танлов асосида саралаб олинган малакали кадрларни дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва PhD дастурлари бўйича иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларига ҳозирги кунда ва келажакдаги эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлари, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш асосида олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар ва муассасаларга улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги, давлат ва жамоат тузилмаларидаги истиқболли мутахассисларнинг, педагог ва илмий кадрларнинг, иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, халқаро тажрибаларни эгаллашларига имкон яратиш учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий

педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар (кейинги ўринларда — стипендиатлар) ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илғор хорижий тажрибалар ҳамда педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва оммалаштиришни таъминлаш;

стипендиатларнинг келажакда иқтисодийнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, сифатли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича илмий-таълим жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илғор технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида энг юқори даражада самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида улар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

иқтисодийнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларининг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгаллаган замонавий илғор билим ва кўникмаларини уларнинг меҳнат, педагогик ва илмий фаолиятларини тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув жараёнларига изчиллик билан жалб этиш.

8. Жамғарма асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда ўз номидан юридик ва жисмоний шахслар билан ваколатлари доирасида шартнома ва бошқа юридик ҳужжатлар тузиш;

республика олий ўқув юртлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқ марказларининг таълим жараёнларига чет элнинг етук ўқитувчилари, олимлари ва мутахассисларини ўрнатилган тартибда таклиф этиш;

Ўзбекистон Республикаси ва чет элларда турли кўргазмалар, кўрик-танловлар, анжуман ва бошқа илмий ва таълимга оид тадбирлар ташкил этиш;

Жамғарма фаолиятига вазирлик, идора, таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг илмий ходимлари, мутахассисларини шартнома асосида жалб қилиш;

ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этиладиган халқаро таълим ва илмий муассасаларнинг, турли нодавлат ташкилотларининг муассиси ва ҳаммуассиси бўлиш;

амалдаги қонунчилик доирасида журнал, илмий тўплам ва бошқаларни нашр қилиш, мамлакатимизда ва чет элда ўзбекистонлик мутахассисларнинг илмий ва ижодий ишлари тақдимотини ўтказиш;

шартнома асосида турли таълимга оид ва илмий хизматларни кўрсатиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган, шунингдек, таълим олган стипендиатларни республика олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнларига жалб қилиш;

вазирликлар ва идоралар мутахассисларини жалб этган ҳолда жойларда ўқув жараёни мониторинги бўйича гуруҳлар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ва мазкур Низомга зид бўлмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3-боб. Жамғармани бошқариш

9. Васийлик Кенгаши Жамғарманинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

Жамғарма Васийлик кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Жамғарма Васийлик кенгаши йиғилишлари раис ёки унинг топшириғига биноан раис ўринбосари раҳбарлигида ўтказилади.

Жамғарма Васийлик кенгаши йиғилишлари, заруратга кўра, лекин йилига камида бир марта ўтказилади. Жамғарма Васийлик кенгаши қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

10. Жамғарма Васийлик кенгаши вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жамғарма фаолиятининг умумий стратегияси ва йўналишларини белгилаш, шунингдек, унинг фаолияти устидан умумий бошқарув ва назоратни амалга ошириш;

чет элнинг таълим ва илмий муассасаларида Жамғарма томонидан ташкил этиладиган малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишнинг асосий йўналишларини тасдиқлаш;

Жамғарма томонидан номзодларни чет элнинг таълим ва илмий муассасаларига магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш, шунингдек, малака ошириш ва стажировка ўташга саралаш бўйича ўтказиладиган Танлов назоратини амалга ошириш;

Жамғарма фаолиятига тегишли хужжатларни ҳамда Жамғарманинг (стипендиатлар сони) чет элнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида олий таълим муассасаларининг педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш, стажировка ўташ, битирувчиларни магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқитишнинг йиллик мақсадли дастурини тасдиқлаш;

Жамғармага йил давомида келиб тушадиган маблағ ва сарф-харажатларнинг кўрсаткичларини, уларнинг ижроси бўйича йиллик ҳисоботларни, шунингдек, Жамғармага юклатилган вазифалар ижросининг ҳисоботларини тасдиқлаш;

чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олган мутахассисларни ишга жойлаштириш масалаларини мувофиқлаштириш (талабгорларнинг ўқишга кетгунларига қадар иш жойлари аниқ бўлган ҳолда);

чет элда таълим олган, малака оширган, стажировка ўтаган педагоглар, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг олган билим, кўникма, малакавий имкониятларининг юқори даражада татбиқ этилишини таъминлаш;

чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олган, малака оширган, стажировка ўтаган мутахассислар, педагоглар ва илмий ходимлар

иш фаолиятининг касбий ва мақсадли мувофиқлиги мониторинги амалга оширилишини назорат қилиш;

Жамғарма штатлар жадвалини тасдиқлаш, унга ўзгартиришлар киритиш ва Жамғарма таъминотининг сарф-харажатлари сметасини тасдиқлаш;

Жамғарма фаолиятига оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарор чиқариш.

Жамғарма Васийлик Кенгаши аъзолари жамғармани бошқариш бўйича ўз вазифаларини жамоатчилик асосида амалга оширади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган ва лавозимидан озод қилинадиган ижрочи директор Жамғарманинг жорий фаолиятини амалга оширади.

Жамғарма Васийлик кенгаши раиси ўринбосари — ижрочи директор мақоми бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосарига тенглаштирилади, унга нисбатан тегишли меҳнат тўловлари, қўшимча тўловлар ва моддий рағбатлантириш каби имтиёзлар қўлланилади.

12. Жамғарма ижрочи директорининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Жамғарманинг кундалик фаолиятини ташкил этиш ва юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар қабул қилиш;

Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланган йўналишларга мувофиқ Жамғарма фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорларини бажариш;

чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш, шунингдек, малака ошириш ҳамда стажировка ўташ учун муносиб номзодларни аниқлашда саралаш бўйича танловни эълон қилиш ва ташкил этиш, унинг якуний натижаларини холислигини таъминлаш;

чет элда малака оширган, стажировка ўтаган ва таълим олиб қайтган стипендиатлар билан доимий алоқа ўрнатилишини таъминлаш;

Жамғарма ходимларини ишга қабул қилиш ва вазифасидан озод қилиш; давлат, хўжалик бошқаруви органларида, бошқа ташкилотларда, шунингдек, чет элларда ва халқаро ташкилотларда Жамғарма номидан иштирок этиш;

штатлар жадвали ҳамда Жамғарма таъминоти харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш учун Жамғарма Васийлик кенгашига тақдим этиш;

Жамғарманинг лавозим йўриқномалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш;

зарурат бўлганда стипендиатларни муддатидан олдин чақириб олиш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Жамғарма васийлик кенгашига таклифлар киритиш;

Жамғарма ходимларини белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Жамғарма номидан фаолият кўрсатиш, жумладан, унинг хўжалик ишларини юритиш, битимлар тузиш, Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш.

4-боб. Жамғарманинг мол-мулки ва молиявий маблағлари, ҳисоб ва ҳисобот

13. Жамғарманинг мол-мулки асосий фондлар, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, айланма маблағлар ва маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига сотиб олинган бошқа моддий бойликлардан иборатдир.

14. Жамғарма мол-мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс этирилади.

15. Жамғарма фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланади:

стипендиатларнинг чет эл таълим ва илмий муассасаларида малака оширишлари, стажировка ўташлари ва таълим олишларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар — Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш Жамғармаси ресурсларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридagi маблағлар ҳисобидан, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик ёрдамлари, халқаро молиявий ва чет эл ташкилотлари грантлари;

Ходимлар иш ҳақи учун тўловларни ўз ичига олган Жамғарманинг жорий фаолияти ва унга юклатилган бошқа вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатлар — Жамғарма Васийлик Кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағларидан амалга ошириладиган ажратмалар, шунингдек, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан келган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик ёрдамлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Жамғарма Васийлик Кенгашининг республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт асосидаги таълим хизматларини кўрсатишдан тушган) маблағларидан Жамғарма ҳисоб рақамига йўналтирилиши белгиланган ажратмалари бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишиб қабул қилган қарори идоравий бўйсунушидан қатъи назар, барча олий таълим муассасалари учун мажбурийдир.

17. Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш Жамғармасидан маблағ ажратиш тартиби Жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

18. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан хомийлик ва беғараз ёрдам доирасида ўтказилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган мулклар Жамғарманинг шахсий мулки ҳисобланади.

19. Жамғарма ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимларига

белгиланган мукофотлаш, моддий ёрдам ва қўшимча ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

Ходимларнинг лавозим маоши бажариладиган ишлар ҳажмидан, айрим участкаларга қўйиладиган малакавий талаблар ва шу кабилардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Жамғарма Васийлик кенгаши қарори билан белгиланади.

20. Жамғарма ўзига тегишли мол-мулкка оид мажбуриятлари бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

21. Жамғарма ўрнатилган тартибда ўз фаолияти натижалари юзасидан бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, молиявий ва статистик ҳисоботларни олиб боради.

5-боб. Яқуний қоидалар

22. Жамғарма Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан амалга оширилади.

23. Жамғармани қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 27 июлдаги ПФ-5121-сонли Фармониغا
3-ИЛОВА

723-МОДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши,
стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармасининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Фонд ходимларининг умумий сони — 27 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 18 нафар.

Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони олий таълим муассасаларининг амалдаги нормативлари бўйича аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

— 26 —

30 (790)-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 27 июлдаги
ПФ-5121-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва
таълим олиш учун номзодларни саралаш танловини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатлар малакасини ошириш, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкиллаштириш «Истеъдод» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан чет элдаги таълим ва илмий муассасаларда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориладиган номзодлар танлови тартиби, регламенти ва механизмини белгилайди.

2. Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориш Жамғарма томонидан саралаш танлови асосида амалга оширилади.

3. Номзодлар саралаш танловини ташкиллаштириш ва ўтказиш Жамғарманинг Қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

Қабул комиссияси таркиби, шунингдек, унинг ишлаш тартиби Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга қабул қилиш, саралаш ва қабулнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилади.

2-боб. Жамғарма стипендиялари

5. Жамғарма стипендиялари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ва ўрнатилган тартибда Жамғарма васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мақсадли дастурларга мувофиқ ажратилади:

3 ойгача бўлган муддатга — хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака оширишга;

3 ойдан 1 йилгача бўлган муддатга — хорижий таълим ва илмий муассасаларда стажировка ўташга;

чет эл ҳамкор таълим муассасаси талабига мувофиқ, магистратура дастурлари бўйича 1-2 йил, PhD дастурлари бўйича 1 — 3 йил муддатга — хорижий таълим ва илмий муассасаларда таълим олишга.

6. Жамғарма стипендиялари ушбу Низом талаблари асосида танловдан

ўтган шахслар (стипендиатлар)га қуйидаги харажатларни қоплаш учун ажратилади:

стипендиатнинг чет эл таълим ва илмий муассасасида таълим олиши (малака ошириши, стажировка ўташи) учун тўланадиган маблағ;

стипендиатларнинг виза олишлари;

стипендиатнинг таълим олиш (малака ошириш, стажировка ўташ) жойига етиб бориши ва қайтиб келиши учун барча турдаги транспорт харажатлари (бир йилда бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда);

стипендиатларнинг таълим олиши (малака ошириши, стажировка ўташи) даврида турар жой ва овқатланиш харажатлари;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарори бўйича стипендиатларнинг таълим олиши (малака ошириши, стажировка ўташи) билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

3-боб. Саралаш танловида қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

7. Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган мақсадли дастурлар бўйича саралаш танлови ҳақидаги эълон танловни ўтказишдан бир ой олдин оммавий ахборот воситалари, шунингдек, интернет-нашрлар ва Жамғарманинг веб-сайтига жойлаштирилади.

Танловни ўтказиш ҳақидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

саралаш танловини ўтказиш муддатлари ва жойи;

аризаларни қабул қилиш муддатлари ва жойи;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

зарур ҳужжатлар рўйхати;

боғланиш учун телефонлар ва электрон манзиллар.

8. Вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутахассисларидан (кейинги ўринларда — Буюртмачи) чет элда малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларнинг ҳужжатлари Жамғарманинг Қабул комиссиясига дастлабки танлов натижалари илова қилинган ҳолда тавсияномалар билан биргаликда Буюртмачи ташкилот раҳбари имзоси асосида тақдим қилинади.

9. Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишга тавсия қилинувчи номзодлар қуйидаги ҳужжатларни Жамғарма қабул комиссиясига тақдим этадилар:

а) белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка (анкета);

б) Қабул комиссияси раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза;

в) Буюртмачи ташкилот раҳбарининг имзоси билан номзод ҳақидаги чет элда малака ошириши ва стажировка ўташи зарурлиги кўрсатилган тавсияномаси;

г) олий таълим муассасасини тугатганлигини, шунингдек, илмий даражасини (фан номзоди, PhD ва фан доктори.), илмий унвонини (катта илмий ходим, доцент, профессор) тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси;

д) меҳнат дафтарчаси нусхаси;
е) паспорт (асл нусхаси);
ж) ҳарбий билет ёки чақирув гувоҳномаси;
з) ўрнатилган ҳажмдаги фотосуратлар (Жамғарма томонидан белгиланади);
и) чет тилидан билим даражасини белгиловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу кабилар), агар мавжуд бўлса;

10. Чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга номзодлар томонидан қўйидаги қўшимча ҳужжатлар тақдим этилади:

а) номзодни кейинчалик иш билан таъминлаш ҳақида муассаса раҳбарининг қафолат хати;

б) чет эл таълим ва илмий муассасасига қабул қилингани ҳақидаги ҳужжат («Letter of acceptance»), агар мавжуд бўлса;

11. Хорижда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун ҳужжатларни топширган пайтда ишламаётган номзодлар ушбу Низом 9-бандининг «в» ва «д» қисмларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилишдан озод қилинадилар. Танловдан муваффақиятли ўтган номзод ушбу Низом 10-бандининг «а» қисмида кўрсатилган ҳужжатни тақдим қилишга мажбур.

4-боб. Чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориш учун саралаш танловини ўтказиш

12. Номзодлар мазкур Низомнинг 9 ва 10-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни Жамғарманинг қабул комиссиясига топширадилар.

Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш Жамғарманинг Қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

13. Номзодлар танлови 2 босқичда ўтади:

1-босқичда Жамғарма базасида суҳбат ўтказиш орқали қўйидаги даражалар аниқланади:

чет тилларини билиш даражаси (олий таълим ва бошқа муассасалар мутахассисларини жалб қилган ҳолда);

номзодларнинг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади, вазифалари, мазмун ва моҳиятини ҳамда Ўзбекистон тарихини билиши (Жамғарманинг Васийлик кенгаши вакиллари ва мутахассислар иштирокида);

Ахборот-коммуникация технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши.

Суҳбатдан ўтмаган номзодлар кейинги босқичга қўйилмайди.

2-босқичда халқаро сертификацияланган аттестация марказлари иштирокида хорижий ҳамкор талабларига мувофиқ биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар орасида чет тилидаги (IELTS, TOEFL, TestDaf, GMAT, GRE ва бошқа) билим даражаларини ва/ёки таҳлил имкониятларини баҳолаш бўйича тест ўтказилади.

Чет элнинг таълим ва илмий муассасалари талаблари даражасида чет тилини билишини тасдиқловчи амалдаги халқаро сертификатга эга номзодлар тест синовларидан озод қилинадилар.

14. Барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, Жамғарма стипендиатлигига қабул қилинган ва 6 ойдан ортиқ муддатга чет элга чиқадиган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати тиббиёт марказида тиббий кўриқдан ўтадилар.

15. Жамғарманинг Қабул комиссияси танлов натижаларини умумлаштиради ва уларни тасдиқлаш учун Жамғарманинг Васийлик кенгашига тақдим этади.

16. Буюртмачилар билан келишган ҳолда таълимнинг харажати, муддати ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, чет элнинг таълим ёки илмий муассасасини танлаш ва стипендиатларни у ерда ўқишга жойлаштириш ҳуқуқи Жамғарма ваколатида қолади.

17. Танловнинг иккала босқичи натижалари бўйича стипендиатлар рўйхатига кирмай қолган, бироқ юқори балларни тўплаган номзодлардан захира гуруҳи тузилади.

Стипендиат турли сабабларга кўра (оилавий шароити, касаллик ва бошқалар) чет элда таълим олишдан воз кечган ҳолатларда Жамғарма Қабул комиссияси қарорига биноан захира гуруҳидаги номзод унинг ўрнини эгаллаши мумкин.

18. Жамғарма Васийлик кенгашининг чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун ўтказилган танлов натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарори танловдан сўнг бир ой муддат ичида эълон қилинади. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга белгиланган шаклдаги стипендиатлик сертификатлари топширилади.

19. Чет элда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олиш учун танлов ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Чет тили бўйича тест синовлари таълим олинган мамлакат тилида ва/ёки инглиз тилида (агар қабул қилувчи хорижий олий таълим ёки илмий муассасаларида таълим инглиз тилида олиб борилса) ўтказилади.

5-боб. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни саралаш танловини ўтказиш

20. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташга юбориладиган номзодларнинг дастлабки танлови (ушбу Низомнинг 9 ва 10-бандида белгиланган зарур ҳужжатларни кўриб чиқиш; мутахассислик фанидан чет тилида суҳбат ўтказиш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини аниқлаш ва бошқалар) бевосита буюртмачилар томонидан амалга оширилади.

21. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташга тавсия қилинган номзодларнинг ҳужжатлари дастлабки танлов якунлари илова қилинган ҳолда буюртмачи ташкилот раҳбари имзолаган тавсиянома билан Жамғарманинг Қабул комиссиясига тақдим қилинади.

22. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташ учун саралаш танловини ташкиллаштириш ва ўтказиш Жамғарманинг Қабул комиссияси зиммасига юкланади.

23. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташ учун танлов ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Танлов Жамғармада буюртмачининг вакиллари ва соҳа мутахассислари иштирокида номзодларнинг малака ошириш ва стажировка ўташ дастурлари бўйича суҳбат ўтказиш тарзида, зарур бўлган ҳолларда имтиҳон қилиш ёки тест синовлари ўтказиш орқали амалга оширилади.

24. Номзодларда уларнинг чет тилини тегишли даражада билишини тасдиқловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL шу кабилар) ва тегишли чет тилида таълим олганини билдирувчи чет эл олий таълим муассасаси дипломи мавжудлиги танловда инобатга олинади.

25. Жамғарма Қабул комиссияси танлов натижаларини умумлаштиради ва Жамғарманинг Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

26. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташ бўйича ўтказилган танлов натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Танловдан муваффақиятли ўтганларга тегишли стипендиат гувоҳномаси тақдим қилинади.

27. Чет элда малака ошириш ва стажировка ўташ даврида стипендиатларнинг иш ўринлари сақлаб қолинади.

6-боб. Жамғарманинг апелляция комиссияси

28. Жамғарманинг Қабул комиссияси аъзолари, шунингдек, суҳбат ва тест синовини олиб боришда иштирок этувчи экспертлар ишда йўл қўйган камчиликлари, ноҳолислиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

29. Ушбу Низомга риоя қилиш, шунингдек, суҳбат ва тест синовларини ўтказиш натижалари ҳамда бевосита саралаш танловини ўтказилиши билан боғлиқ шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш учун Жамғарма Васийлик кенгашининг қарори билан Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш регламенти Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

30. Апелляция комиссиясига аризалар суҳбат ва тест синовлари натижалари эълон қилингандан сўнг уч кун давомида топширилади.

31. Апелляция комиссияси қабул қилинган аризаларни аризачи иштирокида уч кун давомида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур.

7-боб. Стипендиатларнинг мажбуриятлари

32. Магистратура ёки PhD дастури бўйича чет элда таълим олган стипендиатга, уни чет элда ўқишга тавсия этган олий таълим ёки илмий муас-

сасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида эгаллаган мутахассислиги бўйича 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатда узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

33. Чет элда малака ошириб ёки стажировка ўтаб келган стипендиатга, уни чет элда малака ошириш ёки стажировка ўташга тавсия этган олий таълим ёки илмий муассасада, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида 3 (уч) йилдан кам бўлмаган муддат давомида ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

34. Чет элда малака ошириб, стажировка ўтаб, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олган стипендиат қайтганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, шартномада белгиланган меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортса, барча молиявий харажатлар белгиланган тартибда стипендиат ва/ёки буюртмачи ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 27 июлдаги
ПФ-5121-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

30 (790)-сон

**2017/2018 ўқув йилида чет элнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида педагог ва илмий кадрларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқитишнинг
МАҚСАДЛИ ДАСТУРИ**

Т/р	Олий таълим муассасалари	Йўналишлар бўйича юборилаётганлар сони				Жами
		малака ошириш	стажировка	докторантурада ўқиш	магистратурада ўқиш	
	Жами	600	45	40	75	760
1.	Андижон давлат тиббиёт институти	6	1	1	2	10
2.	Андижон давлат университети	10	1	1	1	13
3.	Андижон машинасозлик институти	8	1	1	1	11
4.	Андижон қишлоқ хўжалиги институти	8	1		1	10
5.	Бухоро давлат тиббиёт институти	12	1	1	1	15
6.	Бухоро давлат университети	11	1	1	1	14
7.	Бухоро муҳандислик-технология институти	5	1	1	2	9
8.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали	3				3
9.	Ўзбекистон давлат консерваторияси	9			1	10
10.	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	9			1	10
11.	Гулистон давлат университети	10	1	1	1	13
12.	Жиззах давлат педагогика институти	11	1	1	1	14
13.	Жиззах политехника институти	8	1	1	1	11
14.	Қорақалпоқ давлат университети	12			2	14
15.	Қарши давлат университети	8	1	1	1	11
16.	Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институти	8	1	1	1	11

— 33 —

723-модда

Т/р	Олий таълим муассасалари	Йўналишлар бўйича юборилаётганлар сони				Жами
		малака ошириш	стажировка	докторантурада ўқиш	магистратурада ўқиш	
17.	Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали	4	1			5
18.	Қўқон давлат педагогика институти	6	1	1	1	9
19.	Навобий давлат кончилиқ институти	9	1	1	1	12
20.	Навобий давлат педагогика институти	8			1	9
21.	Солиқ академияси	1			1	2
22.	Наманган давлат университети	10	1		1	12
23.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	8		1	1	10
24.	Наманган муҳандислик-технология институти	12	1	1	2	16
25.	Миллий рассомлик ва дизайн институти	5			1	6
26.	Ўзбекистон Миллий университети	10	1	1	2	14
27.	Нукус давлат педагогика институти	16	1	1	1	19
28.	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали	1				1
29.	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	3				3
30.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали	5	1			6
31.	Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали	3				3
32.	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	8	1	1	1	11
33.	Самарқанд давлат чет тиллар институти	13		1	1	15
34.	Самарқанд давлат тиббиёт институти	8	1	1	2	12
35.	Самарқанд давлат университети	10	1	1	2	14
36.	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	2		1	1	4
37.	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти	11		1	1	13
38.	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	2		1		3
39.	Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби	2			1	3
40.	Тошкент тиббиёт академияси	12	1	1	2	16
41.	Тошкент архитектура-қурилиш институти	10	1		1	12

Т/р	Олий таълим муассасалари	Йўналишлар бўйича юборилётганлар сони				Жами
		малака ошириш	стажировка	докторантурада ўқиш	магистратурада ўқиш	
42.	Тошкент давлат аграр университети	19	1	1	1	22
43.	Тошкент давлат шарқшунослик институти	7			1	8
44.	Тошкент давлат педагогика университети	11	1		2	14
45.	Тошкент давлат стоматология институти	4	1	1	1	7
46.	Тошкент давлат техника университети	40	1	1	2	44
47.	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	1			1	2
48.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	15	1		2	18
49.	Тошкент давлат юридик университети	4			1	5
50.	Тошкент темир йўл муҳандислари институти	8	1	1	1	11
51.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	11	1		1	13
52.	Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти	9	1	1	1	12
53.	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	14	1	1	1	17
54.	Тошкент ислом университети			1	1	2
55.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	12	1	1	2	16
56.	Тошкент ахборот технологиялари университети	9	1	1	2	13
57.	Тошкент фармацевтика институти	2	1	1	2	6
58.	Тошкент молия институти	11	1	1	1	14
59.	Тошкент кимё-технология институти	17	1	1	1	20
60.	Термиз давлат университети	4	1		1	6
61.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти	16			1	17
62.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	35	1	1	2	39
63.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	7	1		1	9
64.	Урганч давлат университети	3	1		2	6
65.	Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали	1				1
66.	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали	3				3

Т/р	Олий таълим муассасалари	Йўналишлар бўйича юборилётганлар сони				Жами
		малака ошириш	стажировка	докторантурада ўқиш	магистратурада ўқиш	
67.	Фарғона давлат университети	4	1	1	1	7
68.	Фарғона политехника институти	14	1	1	1	17
69.	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали	2				2

Изоҳ:

1. Чет элнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида педагог ва илмий кадрларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурларида ўқишлари бўйича мақсадли дастури ҳар ўқув йили учун Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

2. Жамғарма томонидан чет элнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида педагог ва илмий кадрларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурларида ўқишлари бўйича мақсадли дастурига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.